

- Проблемы международной и региональной экономики ■
- Problems of International and Regional Economy ■

**А. Юсупов**

## Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви: вужудга келишининг назарий асослари, муаммолари ва оқибатлари

---

Глобал иқтисодий ривожланиш масалаларининг у ёки бу қирраларини назарий-услубий жиҳатдан асослашда классик халқаро савдо назарияларидан тортиб, Америка институционализи ва Кейнсчилик мактаби, Фридман монитаризми ҳамда замонавий либерализм ва ҳозирги замон неолиберлизм мактабларининг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бироқ “Глобаллашув” атамаси ва тушунчаси илк бора америкалик олимлар томонидан илгари сурилди.

Таниқли олим *Т. Левит* “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги кўп кўрсаткичларга эга бўлган, истеъмол товарларини стандартлаштириш учун пайдо бўладиган глобал бозорлар билан боғлиқ янги тижорат воқелиги [1], деб атаган.

Иқтисодчи *Н.Трифт* эса глобаллашувнинг қуйидаги жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, глобаллашув натижасида:

- ◆ молиявий марказлашувнинг кучайиши рўй беради;
- ◆ унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредитлар берилади ва фойдаланилади, шунингдек, капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлиги ўрнатилади;
- ◆ ахборотлар аҳамиятининг ошиши кузатилади;
- ◆ глобал олигополиянинг (шаҳарларда аҳолини кўпайиб бориши ва аҳоли зичлиги билан шаҳарларни йириклашиб бориши) тўхтовсиз кенгайиши давом этади;

---

*Юсупов А.С., и.ф.и., ТДИУ докторанти (DSc).*

- ♦ трансмиллий корпорация (ТМК)лар сонининг ортиши кузатилади;
- ♦ трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг шаклланиши ва миллий давлат ҳокимиятининг глобаллашуви рўй беради [2].

Калифорния университети профессори *М. Кастелс* глобаллашув жараёнини “*янги капиталистик иқтисод*” деб атайди ва унда ахборот, билим ва информацион технологияларни ишлаб чиқариш ва рақобатбардошликнинг асосий омилига айланишини таъкидлайди [3].


Умуман олганда, глобаллашув жараёни тўхтатиб бўлмайдиган ҳодиса бўлиб, унинг у ёки бу ижтимоий-иқтисодий, технологик ва экологик тенденцияларга қандай таъсир кўрсатишини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Маълумки, иқтисодиётнинг байналмилаллашуви ўз ривожланиши давомида бир қанча босқичларни босиб ўтди.

**Дастлабки босқич** – халқаро савдонинг юзага келиши натижасида пайдо бўлган халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидир. Мамлакатлар ўртасида халқаро савдо ва умуман халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзаро алоқадорлигининг тобора кучайиши рўй берди. Мазкур ҳолатни хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви деб ҳам атайдилар.

**Кейинги босқич** – халқаро иқтисодий интеграция жараёни ҳисобланади. Халқаро иқтисодий интеграция – бу жаҳон иқтисодиётининг етарлича самарали ҳамда истиқболли ривожланиш босқичи ҳисобланади. У хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг сифат жиҳатдан янги ва анча мураккаб босқичидир.

Ҳозирги пайтда хўжалик ҳаёти байналмилаллашуви даражасининг ортиб боришида сифат жиҳатидан янги босқич кузатилмоқда. Глобаллашув эса жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг энг асосий жараёнларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Иқтисодий интеграция ва глобализация жараёнларига олиб борувчи босқичларни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ занжир сифатида қуйидаги 1-чизмада ифодалаш мумкин:



1-чизма. Глобаллашув ва хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг босқичлари<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан мантиқий таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган.

Глобаллашув жараёни жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларини қамраб олади, яъни:

- ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатини (ишчи кучи, капитал, ахборот);

- товарлар, хизматлар, технологиялар, интеллектуал мулк объектлари халқаро савдосини;

- халқаро молия-кредит ва валюта амалиётларини (беғараз молиялаштириш ва ёрдам, иқтисодий муносабатлар субъектларининг кредит ва қарзлари, қимматбаҳо қоғозлар бўйича амалиётлар, махсус молиявий механизмлар ва воситалар, валюта амалиётлари);

- ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, технологик, инжиниринг ва ахборотлар соҳасидаги ҳамкорлик ва бошқаларни.

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

**Биринчидан**, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви рўй беради. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви такрор ишлаб чиқариш жараёнида жаҳоннинг турли давлатлари ишлаб чиқарувчиларининг иштирокини намоён қилади. Жаҳон савдосининг асосий қисми ярим тайёр маҳсулотлар хиссасига тўғри келади. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувида ТМКлар етакчи роль ўйнайди.

**Иккинчидан**, капиталнинг байналмилаллашуви чуқурлашади. Давлатлараро халқаро капитал ҳаракати, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестициялар кўринишида ўсади, фонд бозорларининг байналмилаллашуви кузатилади.

**Учинчидан**, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий, технологик билимлар воситаларининг алмашинуви, халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув, шунингдек, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ресурсларининг жойлашуви натижасида ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашуви кузатилади.

**Тўртинчидан**, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида айирбошлаш жараёнининг байналмилаллашуви кучаяди. Бунда халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизматлар соҳаси асосий мавқега кўтарилади.

**Бешинчидан**, халқаро ишчи кучи миграциясининг ўсиши кузатилади. Бунда ривожланган давлатларга камбағал ёки кам тараққий этган давлатлардан келган ишчи кучлари малакасиз ёки паст малака талаб қиладиган ишларга жалб этилади.

**Олтинчидан**, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг байналмилаллашуви атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, замонавий глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлигини талаб этади.

Таҳлиллар ва башоратларга қараганда, глобаллашув жараёни ўзида қуйидаги хусусиятларларни намоён этади:

- минтақавий интеграция жараёнларини жадаллаштиради;
- ҳозирги пайтда хўжалик юритишни тўлиқ эркинлаштирмаган давлатлар иқтисодиётининг очиклиги таъминланади;
- халқаро бозорларда иштирокчиларнинг тўсиқларсиз эркин қатнашуви таъминланади;
- универсал молиявий ва савдо амалиётлари тартиби амал қилади;
- бозорларни тартибга солиш ва назорат қилиш, капитални жойлаштириш, инвестицион жараёнлар, халқаро тўловлар ва ҳисоб-китобларнинг мувофиқлаштирилган тизими жорий этилади.

Глобаллашув жараёнларининг бориши кўплаб мутахассислар, шунингдек, сайёрамиз кўламида истекомат қилаётган оддий кишилар ўртасида қизгин мунозарага сабаб бўлмоқда. Уларда глобаллашувнинг алоҳида давлатлар тараққиёти ҳамда жаҳон иқтисодиёти тизимига кўрсатадиган таъсири борасида бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган ҳамда бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган эксперт баҳолари берилаётганлигини қайд этиш мумкин.

Савол туғилади: *Тобора зўрайиб бораётган глобаллашув охир оқибатда нимага олиб келади – истиқболда умумий тараққиёт равнақигами ёки бўлмаса янги хавф-хатарлар ва қарама-қаршиликларгами?*

Объектив ва қайтариб бўлмайдиган жараён сифатида глобаллашув тўғрисида гап борганда, унинг айнан тўғри чизик кўринишида бўлмаган ривожланиш тенденциясини намоён қиладиганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкиндир. Мос равишда, глобаллашув ўз хусусиятига кўра ижобий ва салбий хусусият касб этади.

Айниқса, XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошларида глобаллашув замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим кўзгусига ва шунингдек, сайёрамиз ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи энг муҳим кучга айланди. У амалда умумжамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди.

Хўжалик жараёнлари ривожланишининг глобаллашуви дунёдаги иқтисодий тартиботга, шу жумладан, иқтисодиётнинг қамрови ҳамда унинг субъект структурасига, қолаверса, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларга ҳам таъсир кўрсатди [4].


Шубҳасиз, ҳеч бир миллий иқтисодиёт мамлакат ўлчами (йирик, ўрта, кичик) ва ривожланиш даражаси (ривожланган, ривожланаётган

**Хўжалик жараёнлари ривожланишининг глобаллашуви дунёдаги иқтисодий тартиботга, шу жумладан, иқтисодиётнинг қамрови ҳамда унинг субъект структурасига, қолаверса, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларга ҳам таъсир кўрсатди.**

ёки ўтиш даври иқтисодиёти)дан қатъи назар, мавжуд ишлаб чиқариш омилларига таянган ҳолда, ўз-ўзини етарли даражада таъминлаш имкониятига эга бўлолмайди.

Ҳеч бир давлат жаҳон хўжалиги фаолияти энг муҳим иштирокчиларининг устунликлари ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмасдан туриб, рационал иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш имкониятига эга эмасдир [5].

Бир қатор мутахассислар глобаллашув жараёнларини нисбатан тор тушунча деб ҳисоблайдилар [6]. Бизнингча, жаҳон иқтисодиётининг эмонавий глобаллашуви қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади (2-чизма):



**2-чизма. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий компонентлари<sup>1</sup>.**

<sup>1</sup> Манتيқий таҳлиллар муаллиф томонидан қилинган эксперт хулосалари асосида ишлаб чиқилган.

Шунга қарамасдан, глобаллашув жараёнлари ривожланишининг келажаги билан боғлиқ масалалар ҳамон очиқлигича қолмоқда: *глобаллашув дунё бутунлиги ёки тартиботининг бир хиллигини таъминлайдими ёки унинг серқирралашувига олиб келадими?* – бу даргумон, албатта.

Аён бўлишича, иқтисодиётда рўй бераётган глобаллашув жараёнларига хос бўлган энг муҳим хусусият, автономлашув ва интеграция жараёнларининг ўзаро уйғунлашиб бораётганлигидадир [7]. Бу «Нейсбит парадокси»да ўз ифодасини топган бўлиб, унда ифодаланишича: «Иқтисодиёт глобаллашуви даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг энг майда иштирокчилари шунчалик кучли бўлади» [8].

Ўз навбатида, глобаллашувнинг парадокси шу билан изоҳланадики, жамиятнинг ички алоқалари қанчалик мустаҳкам ва унинг ички ресурслари қанчалик бой бўлса, у глобал бозор талабларига шунчалик муваффақиятли мослаша олади.

Глобаллашувнинг ижобий аҳамиятига баҳо бериш қийин, албатта. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг ижобий оқибатлари (устунликлари) тўғрисида тўхталганда қуйидагиларни алоҳида санаб ўтиш мумкин:

1. Глобаллашув халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва аҳоли ўртача турмуш даражасининг ортишига сабаб бўладиган и/ч воситалари ҳамда ресурсларининг самарали тақсимланишини таъминлайди.

2. Глобаллашув халқаро рақобатнинг кучайиши орқали анъанавий бозорларда соф рақобатнинг шаклланишига олиб келади [9], бу эса, ўз навбатида, истеъмолчилар манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

3. Глобаллашув тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўсишини рағбатлантиради, бу эса, миллий иқтисодиётлар ривожланишига бевоқиф таъсир кўрсатадиган трансмиллий компаниялар шаклланишининг муҳим омили ҳисобланади.

4. Глобаллашув шароитида мамлакатлар ўзаро манфаатли асосда ташкил этиладиган ҳамда ишлаб чиқариш кўламида тежамкорликка эришишни талаб этадиган халқаро савдодан ютуққа эришадилар, бу эса охир оқибатда дунё миқёсида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

5. Глобаллашув халқаро доирада замонавий инновацияларни узликсиз жорий этиш натижасида меҳнат самарадорлигининг ошишига олиб келиши мумкин.

**Иқтисодиётда рўй бераётган глобаллашув жараёнларига хос бўлган энг муҳим хусусият, автономлашув ва интеграция жараёнларининг ўзаро уйғунлашиб бораётганлигидадир.**

6. Глобаллашув умуминсоний глобал муаммоларни ҳал қилиш учун жиддий асосларни яратади, бу эса, жаҳон ҳамжамиятидаги мавжуд имкониятларни бирлаштириш ҳамда ресурсларни бир жойга тўплаш учун зарурий имкониятдир.

7. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, дунё миқёсида фаровонликни юксалтириш муаммоси – глобаллашувнинг энг охириги натижасига айланмоғи лозимдир.

Таъкидлаб ўтилганидек, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал-

**Глобаллашувнинг парадокси шу билан изоҳланадики, жамиятнинг ички алоқалари қанчалик мустаҳкам ва унинг ички ресурслари қанчалик бой бўлса, у глобал бозор талабларига шунчалик муваффақиятли мослаша олади.**

лашув жараёнлари ҳар бир олим, мутахассис ва экспертлар, шунингдек, қўллаб-мамлakatлардаги аҳоли томонидан турлича қабул қилинмоқда ва баҳоланмоқда.

Замонавий глобаллашув жараёнлари бор-йўғи саноати ривожланган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва дунё периферияси номини олган ривожланаётган дунё учун эса жиддий хавф-хатарларни келтириб чиқармоқда.

Бу шунинг билан изоҳланадики, глобаллашувга хос бўлган афзалликлар нотекис тақсимотга эгадир. Шу сабабли глобаллашув билан боғлиқ масалалар ҳанузгача муҳокама ва тортишувларнинг долзарб ва қайноқ нуқтаси ҳисобланади.

Сўзсиз, глобаллашув жараёнларининг алоҳида мамлакатлар иқтисодиётига кўрсатадиган ижобий таъсир даражаси уларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига кўра белгиланади. Одатда, афзалликларнинг асосий қисми бой давлатлар томонидан қўлга киритилса, кам тараққий этган давлатлар эса, тўғрироғи глобаллашувнинг объекти, нари борса субъектигагина айлана оладилар, холос [10]. Яъни айтиш мумкинки, XX аср бошлари ва ўрталаридаги жаҳон тараққиётига хос бўлган ўзаро алоқадорлик “*учинчи дунё*”нинг “*биринчиси*”га бўлган бир ёқламалик боғлиқлигига барҳам беради.

1960 йилдан эътиборан бой ва камбағал давлатлар ўртасидаги тафовут қарийб икки баробарга ортган бўлиб, бу эса, ҳисоб-китобларнинг гувоҳлик беришича, ривожланаётган давлатларга ёрдам кўрсатишда берилаётган ваъдалар ҳамда “*тенглик*” тамойилининг амалда пуч эканлигини исботламоқда [11].

Глобаллашув бир хилликнинг юзага келмаслигига, дунё янги модели – 20:80 дунёсининг пайдо бўлишига, бир тақсим бешликлар жамиятининг пайдо бўлишига олиб келади. Жами ресурсларнинг 80% ини «*олтин миллиард*» номини олганлар назорат қиладилар, улар эса ер курраси аҳолисининг бешдан бир қисмига эгаллик қиладилар [12].

Маълумотларнинг келтирилишича, глобализация туфайли Фарб дунёсининг 14,5%и ютуққа эришади, айни пайтда унинг Хитой, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси сингари қисмлари тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасдир. Шунингдек, собиқ советлар маконида, Африка, Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида “қора туйнуқлар” [13] нинг пайдо бўлиши тўғрисида башоратлар қилинган.

Ривожланган мамлакатлар орасида, айниқса, АҚШ дунёнинг “бир қутублиги”га эришишга ҳаракат қилмоқда. Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ, албатта, чунки бугунги кунда араб дунёсида глобаллашув жаҳон тизимини “америкалаштириш” орқали амалга оширилмоқда.

Яқинда глобализациянинг дунё мамлакатлари иқтисодиётига кўрсатётган таъсирини аниқлаш мақсадида Bertelsmann фонди экспертлари дунёнинг 42та мамлакати<sup>1</sup> иқтисодиёти устида тадқиқотлар олиб бордилар ва бунга мувофиқ қўшимча иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тузатишларни қўллаган ҳолда глобализация индексини ҳисоблаб чиқдилар. Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, 1990–2016 йиллар оралиғида юз берган глобализациядан энг кўп фойдани Швейцария, Япония ва Финляндия аҳолиси кўрган [14]. Ҳисоб-китобларга кўра, 1990–2016 йиллар мобайнида:

- Швейцарияда ЯИМ аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми йилига 1900 еврога кўпайган ва йиллик ўртача миқдори 49,7 минг евро ни ташкил қилган. Экспертларнинг баҳолашича, ушбу рейтинг бўйича Швейцарияни «глобализация чемпиони», деб бемалол айтиш мумкин;

- Япониянинг бу борадаги кўрсаткичлари бироз пастроқ бўлиб, 1990–2016 йиллар мобайнида ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми йилига 1500 еврога кўпайган ва унинг ўртача йиллик миқдори 39 минг еврога тенг бўлган;

- 26 йил давомида Финляндияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми йилига 1400 еврога кўпайган ва унинг ўртача миқдори 36 минг евро ни ташкил этгани ҳолда рейтингда учинчи ўринни эгаллаган;

- кейинги ўринларни: Ирландия – 1200 евро ва 32 минг евро ни, Исроил – 1100 евро ва 30 минг евро ни, Германия – 1100 евро ва 29 минг евро ни ташкил этгани ҳолда эгаллоб турибди;

- ушбу рейтингда Россия 42 та мамлакат ичида 39-ўринда бормоқда. Бунга сабаб, мамлакат иқтисодиётининг халқаро ҳамжамият билан анчайин паст даражада интеграциялашганлигидир. 26 йил мобайнида Россияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ йилига 115 еврога кўпайган бўлиб, унинг йиллик ўртача миқдори 3 минг еврога тенг демакдир.

<sup>1</sup> Бу давлатларнинг кўрсаткичлари дунё ЯИМнинг 90%ни ташкил қилади.



Шунга мувофиқ, хўжалик фаолияти байналмилаллашуви ривожланишининг замонавий босқичида юзага келадиган таҳдидлар, хавф-хатарлар ҳамда йирик муаммоларни умумлаштирган ҳолда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Барча давлатларда глобаллашув жараёнлари оқибатида салбий оқибатларни келтириб чиқаришга қодир бўлган муаммолар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

- ♦ марказдан қочма кучлар парокандали таъсирининг вужудга келиши хавфи натижасида норақобатбардош ишлаб чиқаришларнинг дегрэдация-ланиши, ижтимоий муаммоларнинг кучайиши, ана шу жамиятга ёт бўлган ғоялар, қадриятлар ва турмуш тарзи моделларининг агрессив равишда суқилиб кириши хавфи [15] нинг юзага келиши мумкинлиги;

- ♦ миллий иқтисодиёт устидан давлат назоратининг кучсизланиши оқибатида унинг бошқа қўллар, шу жумладан кучли давлатлар, ТМКлар ёки халқаро ташкилотларга ўтиб кетиши хавфи. Бунинг натижасида эса, миллий давлатчилик тузилиши шу тариқа ўзининг реал ҳаётдаги ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги фаол агентлик ролини йўқотиб боради. Бунинг таъсирида эса баъзи бировлар глобаллашувга миллий суверенитетни барбод қилишга уриниш омили сифатида баҳо берадилар. Замонавий корпоратив капитал, одатда, замонавий ривожланган мамлакатлар сиёсий ҳаётини назорат қилади. Бир фикр амал қиладики, иқтисодий интеграция жараёнлари, шунингдек, молиявий бозорнинг глобаллашуви, давлат чегараларининг “*ювилиши*”га, молия соҳасида эса давлат суверенитетининг кучсизланишига олиб келади;

- ♦ миқёси жиҳатидан кенг минтақавий ёки глобал беқарорликнинг юзага келиши оқибатида миллий молия соҳасининг нобарқарорлашуви хавфининг кучайиши эҳтимоли. Айни чоғда бир мамлакатдаги маҳаллий иқтисодий тебраниш ёки инқирозлар, пировард натижада минтақавий ва ҳаттоки, глобал қамров касб этиши ҳам мумкиндир. Буни сўнгги давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам тасдиқламоқда.

2. Глобаллашувнинг энг оғир жабрини энг кам тараққий этган давлатлар, ёки уларни дунё периферияси деб ҳам атайдилар, тортадилар. Глобаллашув жараёнида ушбу мамлакатларнинг аксарияти хомашё етказиб берувчилар ёки меҳнат талаб маҳсулотлар турларини ишлаб чиқарувчиларига айланиб борадилар. Бунинг оқибатида эса, улар ҳар томонлама жаҳон бозори конъюнктураси ҳамда дунёнинг энг илғор державаларига боғлиқ бўлиб қоладилар.

Глобаллашув бундай мамлакатлар учун юқорида санаб ўтилган муаммолардан ташқари яна бир қатор қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради:

- ♦ кам тараққий этган мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги тизимининг барқарорлиги ҳамда меъёрида амал қилиб туришига боғлиқлиги даражасини янада кучайтиради;

- ♦ ТМҚлар томонидан миллий йўналтирилган иқтисодий сиёсатни амалга оширишда давлатлар қудратининг чегаралаб турилиши кутилади;

- ♦ ташқи қарздорлик даражасининг ортиши, бу жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг янад жадаллаштирилишига тўсқинлик қилади;

- ♦ жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий табақаланиши даражасининг ортиши [16].

3. Таъкидланганидек, саноати тараққий этган мамлакатлар глобаллашув жараёнидан нафақат ютуққа эришадилар, балки улар ҳам бунинг оқибатида зарар кўрадилар. Ривожланган мамлакатларда муҳим ўрин тутадиган ва тез-тез муҳокама мавзусига сабаб бўладиган ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий характердаги муаммолар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиш мумкиндир:

- ♦ саноатда янги технологияларни жорий этиш ва шунингдек, меҳнат талаб товарлар ишлаб чиқарилишининг ёппасига ривожланаётган дунёга кўчирилиши натижасида ишсизлик даражасининг ортиб бориши, бунинг натижасида эса жамиятда ижтимоий тангликнинг кучайиши;

- ♦ ТМҚлар шахсий манфаатларининг давлатларникига қараганда, биринчи ўринга қўйилиши оқибатида миллий давлатларнинг мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ролининг кучсизланиши;

- ♦ *деиндустриализация*, яъни иқтисодиётнинг қайта ишловчи тармоқларида аҳоли бандлигининг пасайиши. Бинобарин, АҚШ ва Европа мамлакатлари иқтисодиётида қайта ишловчи тармоқлар улушида бирдан пасайиш аломатлари кузатилмоқда, бироқ бу пасайиш – хизматлар соҳаси улушининг тезкор ўсиши ҳисобига қопланмоқда.

Глобаллашувнинг яна бир муаммоларидан бири, бу жаҳон иқтисодиётида йирик глобал беқарорликнинг ортиб бораётганлигидадир, буни шу орқали изоҳлаш мумкинки, миллий иқтисодиётларда тебранишларнинг пайдо бўлиши ёхуд у ёки бу мамлакатларнинг иқтисодий жихатдан нотекис ривожланиши натижасида, у минтақавий ва ҳаттоки, глобал қамров касб этиши ҳам мумкиндир [17]. Буни 1997 йилнинг ёзида Таиландда бошланган, шундан сўнг эса Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига кенг тарқалган ва шунингдек, Жанубий Кореягача ҳам етиб борган Осиёдаги молиявий инқироз ҳамда 2008 йилнинг ноябрь ойида АҚШда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi билан ҳам изоҳлаш мумкиндир.

Табий савол туғилади: *Охир оқибатда глобаллашув мамлакатларга таҳдид олиб келадими ёки янги имкониятлар?*

Бу саволга яқдил жавоб қайтариш қийин, албатта.

Мазкур бош масалани ечиш билан боғлиқ чора-тадбирларни қабул қилишда, асосан, ривожланаётган мамлакатлар ҳамда ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шунингдек, “*бир ҳақиқат*”га муҳим эътиборни қаратиш зарур: *глобаллашув ҳозирги замонавийликнинг объектив ва мутлақо қочиб бўлмайдиган жараёнидир* [18].

Қатор муаллифлар образли қилиб ифода этаётганларидек, глобаллашув “*ачитқиси*” озодликка чиқди ва уни яна қайтадан шиша идишга қамаш учун ҳаракат қилиш ярамайди [19].

Шундай экан, мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган янги шарт-шароитларга тезкор мослашишлари ҳамда янги имкониятлардан унумли фойдаланишлари учун рўй бераётган глобаллашув жараёнларига “*адекват*” тарзда ёндашишлари талаб этилади.

Бунда, энг аввало, глобал ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда янги халқаро институтларни яратиш орқали дунёнинг алоҳида мамлакатлари ва минтақаларида кузатиладиган “*камбағалликка қарши курашиш*” бобида самарали механизмларни яратиш зарурияти, шунингдек, дунё аҳолиси турмуш даражасидаги мавжуд фарқларни имкон қадар қисқартириш ҳақида гап бораётганлигига муҳим эътиборни қаратиш лозим.

---

## Адабиётлар

---

1. Theodore Levitt. The Globalization of Markets. 1983 // Journal of Business Strategy // Волкова Л. Теодор Левитт и его работы // [http://m-arket.narod.ru/Abstract/O\\_Levitt.html](http://m-arket.narod.ru/Abstract/O_Levitt.html) ; [http://www.hbs.edu/news/releases/062906\\_levittobit.html](http://www.hbs.edu/news/releases/062906_levittobit.html) .
2. Международные экономические отношения. Учебник, 2-е издание. Коллектив авторов // Под редакцией доктора экономических наук, профессора А.И.Евдокимова, ООО «Проспект», 2013.
3. Кулаков А. В. Глобализация как многомерный процесс: монография. Национальный институт бизнеса, 2009 // <https://books.google.nl/books?id=J5dKAQAIAAJ>
4. Калужнова Н.Я. Конкурентоспособность регионов в условиях глобализации. – М.: ТЕИС, 2003. – С. 73.
5. Постиндустриальный мир и процессы глобализации // Мировая экономика и международные отношения. №3, 2000. – С. 91.
6. Кох Р. Менеджмент и финансы от А до Я. – СПб: Издательство «Питер», 1999. – С. 65.
7. Иванов Н. Глобализация и проблемы оптимальной стратегии развития // Мировая экономика и международные отношения. №2, 2000. – С. 15.
8. Нейсбитт Дж. Глобальный парадокс / Пер. с англ., 1994. – С. 11.
9. The Global Competitiveness Report 2002–2003. – P. 178–179.

10. Ценности, которые мы защищаем, перемены, к которым мы стремимся. Социальная справедливость в условиях глобализации экономики. Доклад Генерального директора МОТ. 81 сессия. Женева, 1994. – С. 15.
11. Мартин Г.П., Шуман Х. Западня глобализации: атака на процветание и демократию / Пер. с нем. – М.: Издательский дом «АЛЬПИНА», 2001. – С. 52–53; Веселовский С.Я. Глобализация как фактор социальных перемен в современном мире: Сборник обзоров и рефератов / РАН. ИНИОН. Центр науч.-информ. исслед. глобал. и регионал. проблем. Отд. Глобалных проблем; – М., 2012.
12. Веселовский С.Я. Глобализация как фактор социальных перемен в современном мире // Сборник обзоров и рефератов. / РАН. ИНИОН. Центр науч.-информ. исслед. глобал. и регионал. проблем. Отд. Глобалных проблем; – М., 2012; Глуценко Г.И. Транснационализм мигрантов и перспективы глобального развития // *Мировая экономика и международные отношения*. – М., 2005. – № 12. – С. 50–57.
13. Постиндустриальный мир и процессы глобализации // *Мировая экономика и международные отношения*. №3, 2000. – С. 93.
14. <https://kun.uz/news/2018/06/09/globalizaciadan-fojda-ku-rgan-mamlakatlar-malum-buldi>
15. БМТ Минг йиллик маърузаси. – Тошкент, 2003. – Б. 65–75.
16. Большой экономический словарь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – М.: Институт новой экономики, 1999. – С. 444.
17. Пьер Эммануэль Томанн. Мировой кризис: геополитическая точка зрения и отношения между Европейским союзом и Узбекистаном // Материалы международной научно-практической конференции на тему: «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана» (по материалам книги Президента Республики Узбекистан И.Каримова), Ташкент, 22 мая 2009 года. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – С. 125–132.
18. Долгов С.И. Глобализация экономики: новое слово или новое явление? – М.: ОАО «Изд-во «Экономика», 1998. – С.20.
19. Мартин Г.П., Шуман Х. Западня глобализации: атака на процветание и демократию / Пер. с нем. – М.: Издательский дом «АЛЬПИНА», 2001; Веселовский С.Я. Глобализация как фактор социальных перемен в современном мире: Сборник обзоров и рефератов / РАН. ИНИОН. Центр науч.-информ. исслед. глобал. и регионал. проблем. Отд. Глобалных проблем. – М., 2012.